

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 10 » январь 20 20 ы

№ 14

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси,  
шу жумладан Гужарат штати ўртасида икки томонлама ҳамкорликни  
янада мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ҳиндистон Республикасининг Гужарат штати бош вазири В. Рупанининг 2019 йил 19-21 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикасига ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси, шу жумладан Гужарат штати ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 29 октябрдаги 893-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси делегациялари жорий йилнинг 25-30 ноябрь кунлари Ҳиндистонга ташриф буюрди.

Мазкур ташрифлар давомида Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Шри В. Муралидаран, кимё саноат ва минерал ўғитлар давлат вазири М.Мандавиа, Савдо ва саноат вазирининг ўринбосари А. Вадхаван, Гужарат штати бош вазири В. Рупани ҳамда Гужарат штатининг идора, ташкилот, компания, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувлар мобайнида устувор йўналишларда ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумлари имзоланди ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Эришилган келишув ва қўшма лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ва Гужарат штати ўртасида эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси (“йўл харитаси”) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари мазкур қарорга киритилган тадбирлар ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини **бир ҳафта муддатда** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва унинг маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари:

тадбирлар ва лойиҳаларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича доимий ва тизимли мониторинг ҳамда назоратни ташкил қилишни;

мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг (“йўл харитаси”) сўзсиз бажарилиши бўйича масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан кўрилаётган амалий чоралар тўғрисидаги ҳисоботларни **ҳар ойда** эшитишни;

савдо-иқтисодий, инновацион, маданий-гуманитар, қишлоқ хўжалиги, ахборот-коммуникациялар, соғлиқни сақлаш, туризм ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича эришилган барча келишувларни тўлиқ амалга ошириш, шунингдек, ушбу масалалар юзасидан Ҳиндистон билан, аввало, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида мунтазам ва самарали ҳамкорликни ташкил қилишни таъминласин.

4. Масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар:

тармоқ жадвалларини ва мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасини (“йўл харитаси”) ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда унинг ижроси ҳақидаги маълумотлар “ijro.gov.uz” тизимида доимий киритиб борилишини;

**ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар** тармоқ жадваллари ва мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг (“йўл харитаси”) ижроси бўйича маълумотларни тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасига тақдим этишни таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда **ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатасига тармоқ жадваллари ва мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг (“йўл харитаси”) ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотларни киритсин.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан биргаликда **ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижро аппарати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси (“йўл харитаси”) ижросининг танқидий таҳлилини тақдим этиш тавсия қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқов ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ 10 ” январдаги 14 -сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси ва Гужарат штати ўртасида эришилган келишувлар  
ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ (“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”)**

Т/р	Тадбир/лоийҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
<b>Савдо-саноат палатаси (масъул – А.Икрамов)</b>					
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида Ҳиндистон саноат конфедерациясининг ваколатхонасини очиш.	<p>1. Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан музокаралар ўтказиш.</p> <p>2. Ваколатхона учун Палата биносидан хона ажратиш ва ходимларни тайинлаш.</p> <p>3. Ваколатхона фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2020 йил январь-февраль</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил март-апрель</p>	Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)	Ж.Қўчқоров А.Ортиқов
2.	Ҳунармандлардан иборат Ўзбекистон делегациясини Ҳиндистон Республикасининг Харьяна штати Фаридобод шаҳрида 2020 й. 1-17 февралда бўлиб ўтадиган “Сураджкунд Мела – 2020” халқаро	<p>1. Делегация таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Ташрифни ташкил қилиш ва делегациянинг фестивалда фаол иштирок этишини таъминлаш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p>	Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), “Ҳунарманд” уюшмаси (У.Абдуллаев),	Ж.Қўчқоров, А.Абдуҳақимов А.Ортиқов, К.Ризаев

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	хунармандлар фестивалида иштирокини таъминлаш.			Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аккулов)	
3.	Ҳиндистоннинг “The Luxury League” фонди томонидан ўтказиладиган “Luxury Symposium” халқаро фестивалининг навбатдаги тадбирини Хива шаҳрида 2020 йил октябрь ойида ўтказиш.	<p>1. Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан музокаралар ўтказиш.</p> <p>2. Тадбирнинг дастури, ўтказилиш жойи ва аниқ санасини Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш.</p> <p>3. Хорижий ва маҳаллий иштирокчиларни таклиф қилиш.</p> <p>4. Фестивални ўтказиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил июнь</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил октябрь</p>	Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), “Хунарманд” уюшмаси (У.Абдуллаев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аккулов), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ф.Эрманов)	<p>Ж.Қўчқоров, А.Абдуҳақимов</p> <p>А.Ортиқов, К.Ризаев</p>
4.	Ўзбекистон ва Ҳиндистонда ўтказиладиган кўргазма ҳамда форумларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон тадбиркорларининг иштирокини таъминлаш.	<p>1. Хорижий ҳамкорлар билан Ўзбекистон ва Ҳиндистонда ўтказилиши режалаштирилган кўргазма, ярмарка ва форумлар режасини ўзаро алмашиш.</p> <p>2. Ўзаро келишув асосида икки томонлама ташрифларни амалга ошириш ҳамда ишбилармон доира вакиллариининг кўргазма, ярмарка</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил январь-декабрь</p>	Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аккулов)	<p>Ж.Қўчқоров, А.Абдуҳақимов</p> <p>А.Ортиқов, К.Ризаев</p>

Т/р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мuddати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		ва форумларда иштирокини таъминлаш.			
<b>Иновациялар соҳасида (масъул – И. Абдурахмонов)</b>					
5.	“Routern.com” компанияси билан сунъий интеллектни ривожлантириш ва инновацион технологияларни трансфер қилиш бўйича ҳамкорликни амалга ошириш.	<p>1. Инновацион ривожланиш вазирлиги биносидан “Routern.com” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ва сунъий интеллектга асосланган инновацион технологияларни ўрнатиш.</p> <p>2. “Ақлли бино” инновацион технологияларини трансфер қилиш.</p> <p>3. Сунъий интеллектга асосланган инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2020 йил январь-февраль</p> <p>2020 йил март-май</p> <p>2020 йил май</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)</p>	С.Абдуллаев
6.	Ҳиндистон Республикасининг Фан ва технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, ёш олимларни қисқа муддатли илмий стажировка ва малака оширишини ташкил этиш.	<p>1. Қўшма илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш ва ўтказиш.</p> <p>2. Қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 15 нафар илмий ходимлар</p>	<p>2020 йил январь-март</p> <p>2020 йил март-апрель</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б.Йўлдошев),</p>	С.Абдуллаев

Т/ Р	Тадбир/лойиха номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		<p>иштирокида Ҳиндистонда семинар-тренинг ўтказиш.</p> <p>3. Ҳиндистоннинг нуфузли университет ва илмий марказларида 20 нафар ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини ташкил этиш.</p> <p>4. Истикболли қўшма илмий лойиҳалар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йил апрель-май</p> <p>танлов натижаларидан сўнг бир ой муддатда</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов)	
7.	“Nath Bio-Genes” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 20 га ер майдонида юкори технологиялар асосида элита уруғ ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	<p>1. Ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш.</p> <p>2. Уруғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси учун маҳаллий тадбиркорни аниқлаш.</p> <p>3. Уруғ ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун Самарқанд вилоятидан 20 га ер майдони ажратиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил январь-февраль</p> <p>2020 йил февраль-март</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)</p>	<p>А.Вахабов</p> <p>А.Равшанов</p>

Т/ Р	Тадбир/лойиха номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мuddати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		4. Уруғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш.	2020 йил апрель-май		
8.	“Paragon Irrigation Pvt.” компанияси билан инновацион технологиялар асосида томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш.	<p>1. Ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш.</p> <p>2. Қўшма корхонани ташкил этиш бўйича маҳаллий тадбиркорни аниқлаш.</p> <p>3. Қўшма корхонани эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналари ҳудудига жойлаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Қўшма корхонани ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил март</p> <p>2020 йил июнь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев),</p> <p>Тошкент вилояти ҳокимлиги (Р.Холматов),</p> <p>Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги (Б.Ходжаев),</p> <p>Савдо-sanoat палатаси (А.Икрамов)</p>	<p>А.Вахабов</p> <p>А.Равшанов</p>
9.	“DEVX” компанияси билан ҳамкорликда қўшма акселерация дастурини амалга ошириш.	<p>1. Ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолаш.</p> <p>2. Илғор технологиялар маркази томонидан қўшма акселерация дастурини ишлаб чиқиш</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил январь-февраль</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p> <p>Савдо-sanoat палатаси (А.Икрамов)</p>	<p>С.Абдуллаев</p>



Т/Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		<p>ва “DEVX” компанияси билан келишган ҳолда тасдиқлаш.</p> <p>3. “Spark-Up Idea Fund” дастури доирасида ўзбекистонлик 50 нафар стартапчиларни стажировкага юбориш.</p> <p>4. Ҳиндистон компаниялари билан биргаликда “Яшнобод” инновацион технопаркида ҳамкорлик жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>5. Акселерация дастури доирасида ҳакатон ва роуд-шоуларни ўтказиш.</p>	<p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил март</p> <p>жадвалга мувофиқ</p>		
10.	Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш институти ( <i>Entrepreneurship Development Institute of India</i> ) билан ҳамкорликда Ўзбекистонлик 15 нафар тадбиркорларни тажриба алмашиш учун	<p>1. 15 нафар маҳаллий стартапчиларнинг Ҳиндистонда тажриба алмашиш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. 15 нафар стартапчиларни Тадбиркорликни ривожлантириш институтида тажриба алмашиш учун юбориш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)</p>	С.Абдуллаев

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	юбориш бўйича ҳамкорлик қилиш.				
11.	Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (ICCR) томонидан тақдим этиладиган стипендиялар ҳамда Ҳиндистон техник ва иктисодий ҳамкорлиги дастури (ITEC) бўйича бериладиган грантлар асосида Ҳиндистоннинг, шу жумладан Гужарат штатининг нуфузли университетларига талабаларни ўқишга ва тажриба алмашишга юборишни ташкил этиш.	<p>1. Гужарат штати грантлари асосида ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. 20 нафар стипендиатларни ва 170 грант соҳибларини Ҳиндистонга ўқишга юбориш.</p> <p>3. ICCR ва ITEC билан келгусида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>дастур асосида</p> <p>2020 йил сентябрь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б.Йўлдошев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов)</p>	С.Абдуллаев
<b>Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида (масъул - О.Умаров)</b>					
12.	Гужарат штатининг электроника ва дастурий таъминот уюшмаси "Gesia IT Association" билан стартап-лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.	1. "Gesia IT Association" уюшмаси билан имзоланган меморандум доирасида инкубация ва акселерация дастурларини Ҳиндистон тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш.	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги (О.Умаров), Дастурий маҳсулотлар технологик парки</p>	С.Абдуллаев

Т/р	Тадбир/лойиха номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		2. Стартап-лойиҳаларни танлаб олиш бўйича эълон бериш ва аризаларни қабул қилиш.	2020 йил март	дирекцияси (Ф.Ибрагимов)	
		3. Стартап-лойиҳаларни хиндистонлик эксперт иштирокида танлаб олиш ҳамда инкубация ва акселерация дастурларига киритиш.	2020 йил апрель		
		4. Стартап-лойиҳаларнинг инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этиши бўйича келишув имзолаш.	2020 йил апрель-июнь		
		5. Стартап-лойиҳалар ташаббускорларнинг мазкур дастурда иштирокини таъминлаш.	дастур якунига кўра		
		6. Стартап-лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини кўриб чиқиш.			
13.	Гужарат штатининг халқаро тадбиркорлик ва технологиялар маркази "iCreate" билан стартап-	1. "iCreate" маркази билан имзоланган меморандум доирасида икки томонлама стартап-ташаббускорлар рўйхатини шакллантириш.	2020 йил январь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	С.Абдуллаев

Т/р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.	<p>2. Ҳиндистонлик мутахассислар билан стартап-ташаббускорлар иштирокида онлайн учрашувлар ўтказиш жадвалини келишиш.</p> <p>3. Ҳиндистонлик мутахассислар билан стартап-ташаббускорлар иштирокида онлайн учрашувларни ташкил этиш.</p> <p>4. Учрашувлар якуни юзасидан кизиктирган стартап-ташаббуслар бўйича ҳамкорлик қилиш йўналишларини белгилаб олиш.</p> <p>5. Стартап-ташаббускорлар ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш.</p>	<p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил март</p> <p>2020 йил апрель</p> <p>келишувга асосан</p>	<p>(О.Умаров), Дастурий маҳсулотлар технологик парки дирекцияси (Ф.Ибрагимов)</p>	
<b>Қишлоқ хўжалиги соҳасида (масъул – С.Ходжаев)</b>					
14.	“Iscon Balaji Foods” компанияси билан Ўзбекистон ҳудудида картошка етиштириш, уни қайта ишлаш ва музлатилган картошка маҳсулотларини ишлаб	1. “Iscon Balaji Foods” компанияси билан Ўзбекистон ҳудудида картошка етиштириш, қайта ишлаш ва музлатилган картошка маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича маркетинг тадқиқот ишларини олиб бориш.	2020 йил февраль	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (С. Ходжаев), “Ўзбекозиқовкат-холдинг” АЖ (Т.Жалилов),	А.Вахабов А.Равшанов

Т/ р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	чиқариш лойиҳасини амалга ошириш.	<p>2. Олиб борилган маркетинг тадқиқот ишларидан келиб чиқиб, ҳудудларда ҳиндистонлик инвесторга ажратиладиган ер майдонлари картасини тузиш.</p> <p>3. Ҳиндистон компанияси вакилларини ажратиладиган ер майдонларини ўрганиш ва лойиҳа параметрларини келишиб олиш учун Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этиш, музокаралар ўтказиш ва тегишли битим лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Лойиҳани амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳокимликлар ва компания ўртасида битим имзолаш.</p> <p>5. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан инвесторга ер майдонини ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш.</p> <p>6. Лойиҳаларни амалга ошириш.</p>	<p>2020 йил февраль - март</p> <p>2020 йил март-апрель</p> <p>2020 йил апрель-май</p> <p>2020 йил июнь</p> <p>2020 йил август</p>	Самарқанд вилояти ҳокимияти (Э.Турдимов)	

Т/р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
15.	“Ashapura Farm Agro” компанияси билан Ҳиндистон тажрибасига асосан Ўзбекистон ҳудудида анорзорларни ташкил этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш.	<p>1. “Ashapura Farm Agro” компанияси билан Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида Ҳиндистон тажрибасига асосан анор етиштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.</p> <p>2. Компания вакилларини Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш ва музокаралар ўтказиш.</p> <p>3. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда Ҳиндистон тажрибасига асосан анор етиштиришни йўлга қўйиш.</p>	<p>2020 йил январь-март</p> <p>2020 йил январь-март</p> <p>2020 йил май</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (С.Ходжаев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ш.Ғаниев), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов)</p>	<p>А.Вахабов</p> <p>А.Равшанов</p>
16.	“Amul Dairy” компаниясининг аҳоли ва сутни қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги кооперация тизими тажрибасини Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш.	<p>1. “Amul Dairy” компанияси раҳбариятига ҳамкорлик ўрнатиш бўйича таклиф юбориш.</p> <p>2. Компания вакилларини Ўзбекистонга ҳамда Ўзбекистон делегациясини Гужарат штатида ташрифларини ташкил этиш, тажрибасини ўрганиш ва музокаралар ўтказиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил январь-март</p>	<p>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Норқобилов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (С.Ходжаев), “Ўзбекозиқовқат-холдинг” АЖ (Т.Жалилов),</p>	<p>А.Вахабов</p> <p>А.Равшанов</p>

Т/р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		3. Ушбу кооперация тизимини республика ҳудудларида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасида жорий қилиш.	2020 йил апрель-май	Халқ банки (Ф.Саломов)	
<b>Соғлиқни сақлаш соҳасида (масъул – Б.Юсупалиев)</b>					
17.	Шарда университети билан ҳамкорликда Ўзбекистонда тиббиёт институтини ҳамда унинг ҳузурида кўп тармоқли тиббиёт клиникасини ташкил этиш.	<p>1. Тиббиёт институтини ҳамда унинг ҳузурида кўп тармоқли тиббиёт клиникасини ташкил этиш бўйича Шарда университети билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолаш.</p> <p>2. Тиббиёт институти ва клиника жойлашадиган жойни аниқлаш.</p> <p>3. Лойиҳани молиялаштириш манбаини аниқлаш.</p> <p>4. Тиббиёт институти ва клиникасини ташкил этиш бўйича тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил июнь</p>	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов), Олий ва ўрта таълим вазирлиги (И.Маджидов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев)	<p>А.Абдухакимов</p> <p>К.Ризаев</p>

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		<p>5. Лойиҳанинг бизнес режаси ва техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш.</p> <p>6. Ажратилган бинода қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш.</p> <p>7. Зарур ўқув дастгоҳлари, тиббий асбоб-ускуналар рўйхатини шакллантириш ва объектни тўлиқ жиҳозлаш.</p> <p>8. Лойиҳани ишга тушириш.</p>	<p>2020 йил июль</p> <p>2020 йил августдан тармоқ жадвалига мувофиқ</p>		
<b>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (масъуллар – Ф.Раҳимов, Х.Тешабоев)</b>					
18.	<p>Наманган вилоятининг Учқурғон, Косонсой ва Уйчи шаҳарларида каналлизация тизимларини қуришни ташкил этиш.</p> <p><i>Лойиҳа қиймати: 35,0 млн. долл.</i></p> <p><i>Ҳамкор: Ҳиндистон Эксимбанки</i></p>	<p>1. Лойиҳани амалга ошириш учун Ҳиндистон Эксимбанки билан музокаралар олиб бориш.</p> <p>2. Музокаралар якуни бўйича тегишли вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>3. Ишчи гуруҳ томонидан Ҳиндистон Эксимбанки талабларига асосан лойиҳа</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил март</p>	<p>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (М.Салиев),</p> <p>Наманган вилояти ҳокимлиги (Х.Бозаров),</p> <p>Молия вазирлиги (Т.Ишметов),</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов),</p>	<p>А.Раматов</p> <p>Ш.Абидов</p>



Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		<p>ҳужжатини тайёрлаш ва ҳамкор томонига тақдим этиш.</p> <p>4. Ҳиндистон Эксимбанки томонидан лойиҳаларни молиялаштириш рухсатини олиш.</p> <p>5. Лойиҳани амалга ошириш тўғрисида меморандум имзолаш.</p> <p>6. Техник-иқтисодий асоснома лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>7. Техник-иқтисодий асоснома лойиҳасини тегишли вазирликлар билан келишиш.</p> <p>8. Техник-иқтисодий асоснома лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.</p> <p>9. Икки томонлама битим имзолаш.</p>	<p>2020 йил 1 ярми</p> <p>2020 йил август</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил октябрь</p> <p>2020 йил октябрь</p>	<p>ДУК “Ўзбеккоммунал- лойиҳа курилиш” (А.Латипов)</p>	
19.	Компьютер техникаси маҳсулотларини сотиб олиш ( <i>планшетлар, компьютерлар,</i>	1. Лойиҳани амалга ошириш учун Эксимбанк билан музокаралар олиб бориш.	2020 йил январь	Олий ва ўрта махсус таълим	А.Абдухакимов  К.Ризаев

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	<p>проекторлар, телевизорлар) ва онлайн ўқув аудиторияларини тушириш.</p> <p>Лойиҳа қиймати: 50,0 млн.долл. Ҳамкор: ЭКСИМБАНКИ Ҳиндистон</p>	<p>2. Музокаралар якуни бўйича тегишли вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат бўлган Ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>3. Ишчи гуруҳ томонидан Ҳиндистон ЭКСИМБАНКИ талабларига асосан лойиҳа хужжатини тайёрлаш ва ҳамкор томонга тақдим этиш.</p> <p>4. Ҳиндистон ЭКСИМБАНКИ томонидан лойиҳаларни молиялаштириш рухсатини олиш.</p> <p>5. Лойиҳани амалга ошириш туғрисида меморандум имзолаш.</p> <p>6. Техник-иқтисодий асоснома лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>7. Техник-иқтисодий асоснома лойиҳасини тегишли вазирликлар билан келишиш.</p>	<p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил март</p> <p>2020 йилнинг I ярми</p> <p>2020 йил август</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2020 йил сентябрь</p>	<p>вазирлиги (И.Мажидов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)</p>	

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		8. Техник-иқтисодий асоснома лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш. 9. Икки томонлама битим имзолаш.	2020 йил октябрь  2020 йил октябрь		
20.	Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида Преференциал савдо тўғрисида битимни имзолаш.	1. Тегишли вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат бўлган ишчи гуруҳни тузиш.  2. Ишчи гуруҳ томонидан ўзаро савдо айланмасини ўрганиб чиқиб, ўзаро савдода преференциал режим ўрнатилишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича техник-иқтисодий тадқиқот ўтказиш.  3. Преференциал савдо битими лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил январь  2020 йил январь  2020 йил 1 ярми	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Ходжаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Давлат божхона кўмитаси (Б.Рахимов)	Э.Ганиев  Д.Тургунов
<b>Энергетика вазирлиги (масъул – Ш.Ходжаев)</b>					
21.	Гужарат штатининг Пандит Денедайал нефть университети ва И.М. Губкин номидаги	1. И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент	2020 йил январь	Энергетика вазирлиги (М.Мирзамахмудов),	А.Султанов  Ш.Саматов

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ўртасида кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш.	<p>шаҳридаги филиали делегациясини Амирабод шаҳрига (Ҳиндистон) юбориш ва Пандит Денедайал нефть университети билан Ўзаро англашув меморандумини имзолаш.</p> <p>2. Университетлар ўртасида ҳамкорлик йўналишларини ўрганиш бўйича қўшма ишчи гуруҳини ташкил этиш.</p> <p>3. Ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш мавзусида Пандит Денедайал нефть университети профессор ва ўқитувчилари иштирокида ўқув семинарини ўтказиш.</p> <p>4. Университетлар профессор ва ўқитувчилари иштирокида қўшма илмий лойиҳаларни белгилаш ва амалга ошириш.</p> <p>5. Университетлар ўртасида қўшма ўқув ва илмий нашрлар тайёрлаш, чоп этиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил февраль-май</p> <p>2020 йил июнь</p>	“Ўзбекнефтгаз” АЖ (М.Абдуллаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов)	

Т/ Р	Тадбир/лойиха номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		6. Пандит Денедайал нефть университети илғор педагогик технологияларини И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали таълим жараёнига тадбиқ этиш. 7. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар билан алмашилиш ишларини ташкил этиш.	2020 йил сентябрь  2020 йил октябрь		
<b>Олий таълим соҳасида (масъул – У.Бегимқулов)</b>					
22.	Тошкент давлат шарқшунослик институтида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, Гужарат Университети билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари магистратурада кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.	1. Ўзаро ҳамкорлик битимини имзолаш. 2. Қўшма таълим дастурларида кадрлар тайёрланадиган магистратура мутахассислиги бўйича қабул параметрларини тасдиқлаш. 3. Қўшма таълим дастурлари асосида қабул жараёнини амалга ошириш ва 10 нафар талабани қабул қилиш. 4. Қабул қилинган талабаларни 2020-2021 ўқув йилида Гужарат	2020 йил январь  2020 йил февраль-март  2020 йил июль-август  2020-2021 ўқув йилида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)	А.Абдухакимов  К.Ризаев

Т/ Р	Тадбир/лойиха номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		университетда таълим олишини ташкил этиш.			
23.	2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, Бухоро давлат тиббиёт институтида Ўзбекистон-Ҳиндистон таълим дастурини (Holistic educational program) ташкил этиш.	<p>1. Ўзаро ҳамкорлик битимини имзолаш.</p> <p>2. Ҳиндистонлик талабалардан 25 нафарини 2020-2021 ўқув йилида институтга қабул қилиш жараёнини ташкил этиш.</p> <p>3. Таълим дастури фаолиятини йўлга қўйиш ва 25 нафар талабани таълим олишини ташкил этиш.</p> <p>4. Талабаларнинг 2021-2022 ўқув йилида Ҳиндистонда таълим олишини ташкил этиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил июль-август</p> <p>2020 йил сентябрь</p> <p>2021-2022 ўқув йилида</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги (У.Барноев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)</p>	<p>А.Абдуҳақимов</p> <p>К.Ризаев</p>
<b>Ички ишлар вазирлиги (масъул – А.Тошпўлатов)</b>					
24.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимларини Ҳиндистон полицияси Гужарат Суд экспертизаси университетидики кибержиноятчиликка қарши курашиш ва биокриминалистика соҳасида малака	<p>Гужарат Суд экспертизаси университетидики куйидаги йўналишлар бўйича малака ошириш курсларига ходимларни юборишни ташкил этиш:</p> <p>- ИИВ Академиясининг эксперт-криминалистика фаолияти бўйича таълим олаётган тингловчилари</p>	2020 йил март-сентябрь	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)	А.Раматов Х.Бердибаев

Т/р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	ошириш курсларини ташкил этиш.	учун уч ойлик умумкриминалистик курси; - ИИВ Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармаси таркибидаги IT-бўлинмалари ходимлари учун икки ойлик кибержиноятчиликка қарши курашиш курси; - ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг ходимлари учун уч ойлик рақамли экспертизани ўтказиш ва биокриминалистика курслари.			
25.	Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини “Raksha Shakti” университетидан кибержиноятчиликка қарши курашиш ва рақамли экспертиза ўтказиш бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш.	“Raksha Shakti” университетидан малака ошириш курсларига ходимларни юборишни ташкил этиш.	2020 йил май-август	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Ташки ишлар вазирлиги (А.Камилов)	А.Раматов Х.Бердибаев
26.	Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини Гужарат штати Сардар Пателъ номидаги Миллий полиция	Сардар Пателъ номидаги Миллий полиция академиясида малака ошириш курсларига ходимларни юборишни ташкил этиш.	2020 йил август-декабрь	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов),	А.Раматов Х.Бердибаев

Т/р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
	академиясида малака ошириш курсларини ташкил қилиш.			Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)	
<b>Туризм соҳасида (масъул – А.Аккулов)</b>					
27.	Ҳиндистонлик туристлар оқимини кескин кўпайтириш мақсадида алоҳида туризм тарғибот ишларини амалга ошириш.	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини намойиш этувчи қисқа метражли реклама роликларини яратиш.</p> <p>2. Реклама роликларини Ҳиндистоннинг “Times Network” ва бошқа йирик телевидение каналлари, ижтимоий тармоқларида тарғибот қилиш.</p> <p>3. Ҳиндистон бозорига мўлжалланган тарғибот ва реклама таркатма маҳсулотларини инглиз ва хинд тилларида ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мамлакат туризм салоҳиятини Ҳиндистоннинг “Travel+Leisure India” ва бошқа йирик туризмга ихтисослашган журналларида тарғибот қилиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль-март</p> <p>2020 йил март-апрель</p> <p>2020 йил май</p>	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аккулов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)	А.Абдухакимов  К.Ризаев



Т/ Р	Тадбир/лойиха номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		5. Ҳиндистоннинг туризм йўналишида иш олиб борувчи етакчи блогерлари ва фотограflари учун юртимиз бўйлаб инфотурлар ташкил қилиш.	2020 йил июнь-июль		
<b>Фармацевтика соҳасида (масъул – С.Кариев)</b>					
28.	Гужарат штати “Avantika Medex” фармацевтика компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотларини (дори воситаларини) ишлаб чиқариш. <i>Лойиҳа қиймати: 3 млн. долл.</i>	<p>1. “Avantika Medex” компанияси билан имзоланган меморандумга мувофиқ фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги маълумотларни мазкур компанияга тақдим этиш.</p> <p>2. “Avantika Medex” компанияси вакилларини Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш ва лойиҳани амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш.</p> <p>3. Фармацевтика маҳсулотлари заводини қуриш учун Тошкент вилоятидан ер майдони (1,5 га) ажратиш ва расмийлаштириш.</p> <p>4. Лойиҳанинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил март-апрель</p> <p>2020 йил май</p>	<p>Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Р.Холматов)</p>	<p>А.Абдухакимов</p> <p>К.Ризаев</p>

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		5. Фармацевтика маҳсулотлари заводининг қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш.  6. Заводни ишга тушириш.	2020 йил июндан  тармоқ жадвалига мувофиқ		
<b>Кимё саноати соҳасида (масъул – Ш.Набиев)</b>					
29.	Фтор асосида кимёвий маҳсулотлар - фторли кальций, гексафторсиликат натрий, тефлон (PTFE) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. <i>Лойиҳанинг дастлабки қиймати: 10 млн. долл. Ҳамкор: "Gujarat Fluorochemicals" компанияси</i>	1. Гужарат штатининг "Gujarat Fluorochemicals" компанияси вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш ва мазкур лойиҳа шартларини келишиш.  2. Лойиҳани амалга ошириш доирасида асосий маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва хорижий ҳамкорга тақдим этиш.  3. Ҳиндистонлик ҳамкорлар томонидан ушбу маълумотларни ва ҳужжатларни ўрганиш.  4. Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан лойиҳани амалга ошириш тартиби ва схемасини келишиш.	2020 йил январь  2020 йил февраль  2020 йил март  2020 йил май	"Ўзкимёсаноат" АЖ (О.Темиров), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)	А.Султанов  Ш.Саматов

Т/Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		5. Ҳиндистонлик компанияси билан лойиҳани ҳамкорликда амалга ошириш бўйича келишувни имзолаш.	2020 йил июнь		
		6. Лойиҳа бўйича бизнес-режа ишлаб чиқиш.	2020 йил сентябрь		
		7. Бизнес-режа натижаларига кўра икки томонлама қарор қабул қилиш ва лойиҳани амалга ошириш босқичларини белгилаш.	2020 йил сентябрь-октябрь		
<b>Электротехника соҳасида (масъул – У.Ислом)</b>					
30.	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ва Ҳиндистоннинг ҳамкор компаниялари ўртасида ўртасида электротехника соҳасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.	1. Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан музокаралар ўтказиш. 2. Ҳиндистон ва Ўзбекистон электротехника корхоналари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш. 3. Корхоналар ўртасида техник тажриба алмашиш. 4. Ҳиндистон ва Ўзбекистон электротехника корхоналарининг	2020 йил январь  2020 йил I чорак  2020 йил давомида  2020 йил давомида	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (М.Юнусов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)	Э.Ганиев, А.Султанов

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		экспортни амалга ошириш ишларини жадаллаштириш.  5. Икки давлат корхоналарининг давлат тендер лойиҳаларида иштирокини ташкил этиш.	2020 йил давомида		
31.	“ProCab” МЧЖ ҚК ва “K.flex Wires and Cables” ўртасида 2020-2023 йилларда 3,0 млн. долл. қийматида Ҳиндистонга кабель маҳсулотини етказиб бериш бўйича экспорт шартномасини тузиш.	1. “ProCab” МЧЖ ҚК муҳандиси ҳамда “ProCab” кабель маҳсулотлари намунасини Ҳиндистоннинг “K.flex Wires and Cables” корхонасига юбориш.  2. Кабель маҳсулотларини лабораторияда текширишни амалга ошириш ҳамда уларни Ҳиндистон стандартларига асосан сертификатлаштириш.  3. “K.flex Wires and Cables” корхонаси ва “ProCab” ўртасида 2020-2023 йилларда кабель маҳсулотларини етказиб бериш бўйича экспорт шартномасини ва жўнатиш жадвалини имзолаш.  4. “K.flex Wires and Cables” корхонаси буюртмасига асосан	2020 йил январь  2020 йил I чорак  2020 йил I чорак  2020 йил апрель	“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (М.Юнусов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)	Э.Ганиев, А.Султанов  Ш.Саматов, Д.Тургунов

Т/ р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		<p>биринчи контейнерни (кабель маҳсулотлари) Ҳиндистонга жўнатиш.</p> <p>5. “ProCab” МЧЖ ҚК томонидан тузилган шартнома ва жўнатиш жадвалига асосан Ҳиндистонга ҳар ойда 4 та контейнер кабель маҳсулотлари экспортини амалга ошириш.</p>	2020 йил		
<b>Андижон вилояти (масъул – Ш.Абдурахмонов)</b>					
32.	<p>Андижон вилоятида тўқимачилик учун бўёқлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.</p> <p><i>Лойиҳа қиймати: 5,0 млн. долл. Ҳамкор: “Kiri Industries” компанияси.</i></p>	<p>1. Ҳиндистонлик ҳамкорни Андижон вилоятига ташрифни ташкил этиш.</p> <p>2. Маҳаллий ҳамкорни аниқлаш.</p> <p>3. Шартнома имзолаш ва ер майдони ажратиш.</p> <p>4. Лойиҳанинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Қурилиш монтаж ишларини бошлаш.</p> <p>6. Лойиҳанинг биринчи қисмини ишга тушириш.</p>	<p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил февраль</p> <p>2020 йил I чорак</p> <p>2020 йил II чорак</p> <p>2020 йил III чорак</p> <p>2021 йил I чорак</p>	<p>Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов), “Ўзтўқимачилик-саноат” уюшмаси (И.Хайдаров), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)</p>	<p>А.Раматов, Э.Ганиев</p> <p>Ш.Абидов, Д.Тургунов</p>

Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
33.	Соғликни сақлаш – кардиология тиббий марказини ташкил қилиш. <i>Лойиҳа қиймати: 3,5 млн. долл.</i> <i>Ҳамкор: “Rythm Heart Institute” компанияси.</i>	1. Ҳиндистонлик ҳамкорни Андижон вилоятига ташрифини ташкил этиш.	2020 йил февраль	Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов), Соғликни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)	А.Абдухакимов  Ш.Абидов, К.Ризаев
		2. Шартнома имзолаш ва ер майдони ажратиш.	2020 йил I чорак		
		3. Лойиҳанинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш.	2020 йил II чорак		
		4. Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.	2020 йил III чорак		
		5. Лойиҳанинг биринчи қисмини ишга тушириш.	2020 йил декабрь		
34.	Замонавий лаборатория билан жиҳозланган тиббий хизмат марказини ташкил этиш.  <i>Лойиҳа қиймати: 2,0 млн. долл.</i> <i>Ҳамкор: “НoPs” компанияси.</i>	1. Ҳиндистонлик ҳамкорни Андижон вилоятига ташрифини ташкил этиш.	2020 йил февраль	Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов), Соғликни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов)	А.Абдухакимов  Ш.Абидов, К.Ризаев
		2. Шартнома имзолаш ва мавжуд бўш бино ёки ер майдони ажратиш.	2020 йил I чорак		
		3. Лойиҳанинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш.	2020 йил II чорак		
		4. Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.	2020 йил III чорак		

Т/ Р	Тадбир/лойиха номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		5. Лойиҳани ишга тушириш.	2020 йил декабрь		
<b>Бухоро вилояти (масъул – Ў.Барноев)</b>					
35.	Гужарат штатининг “Krish International” компанияси таклифи бўйича вилоятда етиштирилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Ҳиндистон Республикасига экспорт қилиш.	1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан намуналар тайёрлаб, “Krish International” компаниясига етказиш. 2. Вилоятда етиштирилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Ҳиндистонга экспорт қилиш бўйича шартномалар имзолаш.	2020 йил январь  2020 йил февраль	Бухоро вилояти ҳокимлиги (Ў.Барноев), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)	Э.Ганиев  Д.Тургунов
36.	Бухоро вилояти ва Гужарат штати ёшларини томонлар Олий таълим муассасаларида таълим олишларини ва таълим муассасалари ходимлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	1. Аҳмадобод шаҳридаги “Манжушри аюрведа тадқиқот институти” раҳбариятининг вилоятга ташрифини ташкил этиш. 2. “Манжушри аюрведа тадқиқот институти” билан Ўзбекистон ва Ҳиндистон анъанавий тиббиётини уйғунлаштирган “Халқ табобати” йўналишида янги ўқув дастурини ташкил этиш бўйича меморандум имзолаш. 3. Бухоро давлат тиббиёт институтининг “Халқ табобати” кафедраси ҳамда “Манжушри	2020 йил апрель-май  2020 йил май  2020-2021 ўқув йили давомида	Бухоро вилояти ҳокимлиги (Ў.Барноев), Бухоро давлат тиббиёт институти (А.Иноятов)	А.Абдухакимов  Ш.Абидов, К.Ризаев

Т/р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		<p>аюрведа тадқиқот институти” ўртасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинувини йўлга қўйиш.</p> <p>4. Меморандумга мувофик “Гоенка стоматология тадқиқот институти” ва Бухоро давлат тиббиёт институти ўртасида профессор-ўқитувчилар, талабалар алмашинувини йўлга қўйиш.</p> <p>5. Ҳиндистон талабаларини Бухоро давлат тиббиёт институтида йўлга қўйилган MBBS дастурига кенг жалб этиш.</p>	<p>2020-2021 ўқув йили давомида</p> <p>2020-2021 ўқув йили давомида</p>		
<b>Самарқанд вилояти (масъул – Э.Турдимов)</b>					
37.	<p>Самарқанд шаҳрида кўп қаватли турар жойлар, 4 юлдузли меҳмонхона ва замонавий фаввораларни қуриш.</p> <p><i>Лойиҳа қиймати: 15,0 млн. долл. Ҳамкор: “Shayona” компанияси.</i></p>	<p>1. Хорижий ҳамкорни Самарқанд вилоятига ташрифи ва маҳаллий ҳамкорни аниқлаш.</p> <p>2. Лойиҳанинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ер майдонларини аниқлаш ва шартнома имзолаш.</p>	<p>2020 йил I чорак</p> <p>2020 йил II чорак</p> <p>2020 йил III чорак</p>	<p>Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аккулов), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Ташки</p>	<p>А.Раматов, А.Абдухакимов</p> <p>Ш.Абидов, К.Ризаев</p>



Т/ Р	Тадбир/лойиҳа номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъуллар	
				Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамаси
		4. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш.	2020 йил IV чорак	ишлар вазирлиги (А.Камилов)	
38.	Экологик бир марталик ишлатиладиган идишлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш. <i>Лойиҳа қиймати: 1,5 млн. долл. Ҳамкор: "SHILP Engineering" компанияси.</i>	1. Хорижий ҳамкорни Самарқанд вилоятига ташрифи ва маҳаллий ҳамкорни аниқлаш. 2. Лойиҳа бизнес-режасини ишлаб чиқиш. 3. Ер майдонларини аниқлаш ва шартнома имзолаш. 4. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш.	2020 йил январь-февраль 2020 йил II чорак 2020 йил III чорак 2020 йил IV чорак	Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), "Ўзкимёсаноат" (О.Темиров), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов)	А.Раматов, Э.Ганиев Ш.Абидов, Д.Тургунов
39.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш. <i>Лойиҳа қиймати: 2,0 млн. долл. Ҳамкор: "Zen Agrifoods LLP" компанияси.</i>	1. Экспорт шартномасини имзолаш. 2. Маҳсулотни етказиб беришни таъминлаш.	2020 йил I чорак 2020 йил II-IV чорак	Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (С.Ходжаев)	Э.Ганиев Д.Тургунов

